

УДК: 595.794/.799

## HYMENOPTERA, APOIDEA, SPHECIDAE OILASINING БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА АҲАМИЯТИ

**М.В. Элмуродова.**

Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти

e-mail: [muhayyoelmurodova@gmail.com](mailto:muhayyoelmurodova@gmail.com)

**Аннотация:** Мақолада *Hymenoptera*, *Apoidea*, *Sphacidae* қазувчи арилар оиласининг биоэкологияси ва аҳамияти қисқача ёритилиб, 2022 йил март – сентябр ойларидаги марказий ўзбекистон ҳудуди олиб борилган тадқиқотларимиздан йирилган намуналарнинг тур таркиби анализ қилинди.

**Калит сўзлар:** Қазувчи арилар, *Podalonia affinis*, *Podalonia hirsuta*, *Prionyx viduatus*, *Prionyx sp.*, *Sphex funerarius*, *Chalybion omissum*, *Larra anathema*, *Cerceris straminea*, *Cerceris sp.*, *Vembix oculate*.

**Аннотация:** В статье кратко освещается биология и экология пчелиных семей, копающих перепончатокрылых, *Apoidea*, *Sphacidae*, и анализируется видовой состав образцов, собранных в ходе наших исследований, проведенных на территории Центрального Узбекистана в марте – сентябре 2022 года.

**Ключевые слова:** роющие осы, *Podalonia affinis*, *Podalonia hirsuta*, *Prionyx viduatus*, *Prionyx sp.*, *Sphex funerarius*, *Chalybion omissum*, *Larra anathema*, *Cerceris straminea*, *Cerceris sp.*, *Vembix oculate*.

**Abstract.** The article briefly covers the biology and ecology of the bee family digging *Hymenoptera*, *Apoidea*, *Sphacidae*, and analyzes the species composition of the samples collected from our research carried out in the territory of Central Uzbekistan in March – September 2022.

**Key words:** digger wasps, *Podalonia affinis*, *Podalonia hirsuta*, *Prionyx viduatus*, *Prionyx sp.*, *Sphex funerarius*, *Chalybion omissum*, *Larra anathema*, *Cerceris straminea*, *Cerceris sp.*, *Vembix oculate*.

**Sphacidae (Қазувчи арилар)** – нишли пардачаканотлилар бўлиб, Жаҳон миқёсида 800 га яқин тури аниқланган. *Apoidea* бош оиласининг замонавий таснифида (Миченер, 2007) *Apoidea* икки носистематик гуруҳга бўлинади

(бўлимлар): Spheciformes – сфекоид арилар (Ampulicidae, Sphecidae, Crabronidae) ва Apiformes – асаларилар (Stenotritidae, Colletidae, Andrenidae, Halictidae, Melittidae, Megachilidae, Apidae) . Ўзбекистонда ўрганилганлик даражаси В.Гуссаковский (1928), Г.А. Авенесова, А.К. Мансуров (1979), Ш.Д. Исламов (1986), А.Г. Давлетшина, В.Л. Казенас (1998, 2001, 2002), М.В. Мокроусов, В.А. Зрянин (2015). Қазувчи ариларнинг барчаси кундузги ҳашаротлар ҳисобланиб, Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган турларнинг аксарияти иссиқликни яхши кўрадиган ҳашаротлар ҳисобланади (Казенас, 1998).

Энтомофаг сифатида қазувчи арилар табиатда муҳим рол ўйнайди, чунки кўплаб ҳашаротлар (ва ўргимчаклар) сонини назорат қилишда иштирок этади ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалигига зарар келтирадиган ва ветеренария ва тиббиёт соҳасига зарар етказувчи ҳашаротлар сонини сезиларли даражада камайтиради. Бундан ташқари қазувчи арилар гулли ўсимликлар чангланлишида ҳам кам бўлмаган аҳамиятга эга. Бу ариларнинг фақатгина бир неча турлари фойдали ҳашаротлар ва ўргимчакларни (чанглантирувчи ва энтомофаглар) ўлдириб зарар келтиради.

Улар асосан, тайёр табиий бўшлиқларда, бир ёки бир неча ерга қазилган тешиқларда уя қурадилар ёки хўл лойдан уялар ясайдилар. Ўлжаси - капалак қуртлари, тўғри қанотлилар ва ўргимчаклар ҳисобланиб. Уларни нерв боғларида бир ёки бир неча чақиш билан фалаж қилиб, личинкалар учун озиқ-овқат сифатида уяга жойлаштиради.

Тоғ минтақаси фаунаси охириги вақтларда кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини тортмоқда. Гап шундаки, тоғлар бир томондан интенсив тур ҳосил бўлиш майдони бўлса, бошқа томондан кўплаб реликтлар ва уникал эндемиклар сақланиши учун рефугиум бўлиб ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, тоғ минтақаси биохилма-хилликни сақлашдаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди.

*Vembix F.* туркумига мансуб қазувчи арилар қорамолларга, отларга ва бошқа уй ҳайвонларига ҳужум қилувчи ва чорвачиликка сезиларли зарар етказувчи сўналарнинг фаол қирувчилари сифатида танилган. Бембиксларнинг биологияси ва экологиясини ўрганиш бу фойдали ҳашаротларни амалий фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш учун катта аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишлари 2022 йил Навоий вилояти Кармана тумани (40°05'21.27"N 64°57'47.73"E.) ва Навоий вилояти Кизилтепа тумани (40°02'45.45"N 64°51'13.23"E.), Навоий вилояти Маликработ тумани (40°05'42.6"N 64°59'04.17"E.) ҳудудида, Навоий вилояти Зарафшон дарёси ўрта оқими (40°04'15.97"N 65°42'04.28"E.) ҳудудида, Навоий вил.Тошработ тумани

(40°17'45.48"N 65°24'41.48"E) Қорақарға довони (40°22'00.24"N 65°27'59.71"E.) Айдаркўл (40°59'41.44"N 65°55'41.86"E.), Зарафшон дарёси 40°03'37.4"N 65°41'18.9"E. худудида, Ўртачўл (40°06'03.88"N 65°68'85.82"E) Тўдакўл, Аму – Бухоро канали (39°48'38.34"N 64°57'47.6"E) худудида олиб борилди.

Йиғилган намуналар 96 % ли спитрда пластмасса идишларда сақланди. Шунингдек МБС-109 бинокуляр, Мотик В 1-220А -1, SZM -161-TL, P122 DISSECTING MICROSCOPE” микроскоплари фойдаланилди.

Аниқланган турлар : *Ammophila heydeni*-Бу турининг қорин бўшлиғининг 1-дан 6-сегментигача қора рангда бўлади. Урғочи тана узунлиги 18-24 мм, эракнинг тана узунлиги 16-22 мм. Авлодининг энг кенг тарқалган турларидан бири. Личинкаларини капалаклар (Geometridae ёки Noctuidae), вояга етганлари чўл ва тоғ ўсимлик нектарлари билан озиқланади. *Ammophila heydeni* *Ammophila* авлодининг энг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади

*Ammophila sabulosa* - тури урғочиларнинг тана узунлиги 20-28 мм, эркаларнинг тана узунлиги 17-23 мм. Тананинг асосий ранги ва оёқлари қора. Ўрмон зонасидаги очиқ жойларда, дашт, ярим чўл ва чўлларда яшайди. Ўлжаси – капалакларнинг қуртлари (Lepidoptera: Noctuidae, Geometridae, Limantriidae, Pieridae, Notodontidae ва бошқалар) ҳисобланади. Урғочилар дастлаб уя куради ва шундан сўнг ов қилади. Фалаж бўлган ўлжани уяга олиб боради ва у ерда личинкаларини озиқлантиради.

*Ammophila campestris* - Бу тури урғочиларининг тана узунлиги 12-30 мм, эркаларининг тана узунлиги 12-18 мм. Тананинг асосий ранги қора, қорин қисми қисман қизғиш-қизил. Улар капалак қуртлари (Geometridae, Pieridae, Noctuidae) ва бошқа ҳашаротларни овлашади, уларни фалаж қилиб, кейин уяларига судрайди ва у ерда личинкаларини озиқлантиради. Тупроққа уя куради. Вояга етган арилар **ялпиз, пиёз, жузғун, сабзи** каби ўсимликларнинг нектари билан озиқланади.

*Ammophila gracillima* - урғочиларининг тана узунлиги 16-22 мм, эркаларининг тана узунлиги 14-18 мм. Бош ва кўкрак қисми қора рангда. Олди оёқлари одатда қизил рангга эга, мўйловлари қора рангда. Урғочилар, қумли тупроқда бир катакчали уялар куради ва уларда капалак қуртларин (Lepidoptera) сақлайди. Вояга етган турлари чўл ўсимликлари нектари билан озиқланади.

Бундан ташқари *Podalonia affinis*, *Podalonia hirsuta*, *Prionyx viduatus*, *Prionyx sp.* *Sphex funerarius*, *Chalybion omisum*, *Larra anathema*, *Cerceris straminea*, *Cerceris sp.*, *Bembix oculata* турлари қайд этилди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. [\(PDF\) Sektsiya spheciformes - Royushchiye osy \(researchgate.net\)](#)
2. Казенас В.Л. (1998). «Роющие осы (Hymenoptera, Sphecidae). Выпуск  
Общая характеристика семейства. Подсемейства Ampulicinae, Sphecinae  
(Фауна Казахстана. Перепончатокрылые) - Алматы- 1998. — С.1-283.
3. Казенас В.Л. “Роющие осы”, - Алматы - 2013 г. - 160 с.
4. Казенас В.Л. Фауна и биология роющих ос (Hymenoptera, Sphecidae)  
Казахстана и Средней Азии. КазгосИНТИ. — Алматы:  
2001. 334 с. — [ИСБН 9965-466-31-9](#).
5. Гуссаковский В.В. Новые виды Sphecidae из Закаспия и Хивы // Изв.  
Курсов прикл. зоол. фитопатол., 1928б. Вып. 4. С. 3-19.